

Базарбаев Ботир Жолдасович
Телестудия тизимлари ва иловалари кафедраси мудири.
Муҳандислик геометрияси ва компьютер графикаси.
Аудио ва видеотехнологиялари ихтисослиги доценти
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети

ЎЗБЕКИСТОНДА РАЎБАР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА РАЎБАР КОМПЕТЕНТЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

«Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон
тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир
Ш.Мирзиёев.

Аннотация. Таълимда компетенция, компетентлилик ўта мураккаб, кўп қисмли, кўпгина фанлар учун муштарак бўлган тушунчалардир. Шу боисдан унинг талқинлари ҳам ҳажм, ҳам таркибига кўра, маъно ва мантиқ мундарижаси жиҳатидан турли-тумандир. Компетентлик – ўқувчининг шахсий сифатлари тўплами (билимлар, кўникмалар, малакалар, лаёқатлар) бўлиб, белгиланган ижтимоий ва шахсий соҳадаги фаолиятида орттирган тажрибаси билан белгиланади.

Калит сўзлар. Компетентлилик, медиатаълим, медиасаводхонлик, меҳнат психологияси, Ахборот технологиялари.

Bazarbaev Botir Zoldasovich
Head of the Department of Telestudio Systems and Applications.
Engineering geometry and computer graphics.
Associate professor of audio and video technologies
Tashkent University of Information Technologies named after
Muhammad al-Khorazmi

REFORMS IN LEADERSHIP TRAINING AND LEADERSHIP COMPETENCE ISSUES IN UZBEKISTAN

*"Improving the quality of education - New Uzbekistan
is the only correct way of development
Sh. Mirziyoev.*

Annotation. Competence in education is a very complex, multifaceted concept common to many disciplines. Therefore, its interpretations are different both in volume and content, in semantic and logical content. Competence is a set of personal qualities (knowledge, skills, abilities, abilities) of a student, which is determined by the experience gained in activities in the specified social and personal sphere.

Keywords. Competence, media education, media literacy, labor psychology, information technology.

Жаҳонда иқтисодий ривожланишнинг турли йўналишлари мавжуд. Ривожланишнинг юксак йўналишларини кўзлаган давлатда энг аввалло, юқори малакали мутахассис таёрлаш, шунингдек, таълим соҳасини моҳирона бошқарувчи раҳбар кадр танлаш масаласига алоҳида этибор қаратади. Чунки, тараққийётнинг оддий логикаси шундан иборат, замон талабига хос ваколатли мутахассис таёрлаш учун ўз замони билан тенг қадам ташлайдиган, балки, замонидан олдинги сафда юрадиган билимдон устозлар керак. Олий даргоҳда компетентли профессор-ўқитувчилар атмосферасини яратиш учун раҳбар ҳар томонлама етук, маънавий ва билимдон бўлиши талаб қилинади.

«Халқни рози қилмаган раҳбарлар билан ҳайрлашамиз», деган эди Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма

мажлисларининг биридаги нутқида¹. Биз яшаб турган ахборат асрида, кашфийётлар, ихтиролар, юқори технологиялар, инновацион гояларга қурилган интенсив йўл – энг ойдин тараққиётга бошловчи йўл саналади. Бизнинг давлатимизда, айти шу йўл танланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Инновацион фаолиятни ривожлантириш вазирлиги ташкил этилди ва вазирликга юксак технологиялар ишларга бош бўлиш вазифаси юклатилди.

Юртимизда олий таълим муассасаларида раҳбар компетентлиги масаласига эътибор қаратилиб, замон билан тенг қадам ташлайдиган, инновацион фаолиятни ривожлантиришга масъул идоралар раҳбарлари ва мутахассислари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг мутахассислари, ижодкор тадбиркорлар иштирок этаётган ушбу анжуман ўтган қисқа вақт ичида бу борада мамлакатимизда амалга оширилган беш саъй-ҳаракатлар натижаларини умумлаштириб, ютуқлар ва камчиликларни аниқлаб, мамлакатимизни илмий-техникавий жиҳатдан илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқиш бўйича илмий хулосалар, амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Медикомпетентлик ҳақида шуни айтиш мумкин, ўтган асрнинг 70-80 йилларида атоқли футурологлар томонидан башорат қилинган «тўлқинлар алмашуви» назарияси² асосида, бугунги цивилизация, аллақачон аграр даврни тарийхқа қолдириб, индустриал жамиятдан ахборот ва билим, ахборот технологияларига, интеллектуал салоҳиятга асосланган ахборий жамиятга кириб келмоқда. Бугунги кунда ҳар бир инсон ахборотнинг, масс-медиа каналларидан тинимсиз оқиб келаётган ахборот таъсирида яшомоқда. Шунга биноан аудиториянинг ахборотни олиш, қайта ишлаш ва узатиш каби тинимсиз ақлий меҳнати юзага келди. Демак, ахборот

¹ Шавкат Мирзиёев: “Халқни рози қилмаган раҳбарлар...” darakchi.uz/uz/19937

² "Третья волна" - history.pstu.ru/content/2014/05/Tretya_volna.pdf

технологияларининг таълим процессига кириб келиши жадаллашди, фаоллашди ва алоҳида билим, қобилият, компетентликни талаб қиладиган фаолият асосига айланди.

Шу тарзда «медиа таълим», «медиакомпетентлик», «медиясаводхонлик» каби тушунчалар кун тартибига кирди. «Компетентлик» ва «медиа компетентлик» кўп қиррали тушунчалардан саналади. Таълимда компетентлик ёндашувнинг вужудга келиш тарихига оид материалларга эътибор қилинса (1960—1970 йиллар), бу даврда илк бор “компетентлик” сўзи илмий адабиётларга кириб кела бошлади. Д.Хаймс томонидан, “коммуникатив компетентлик” тушунчаси киритилади. Ж.Равеннинг 1984 йилда чоп этилган “Замонавий жамиятда компетентлик” номли асарида компетентликка кенг таъриф берилади³.

Бу шундай ҳодисаки, “у жуда кўп миқдордаги компонентлардан ташкил топган бўлиб, улардан кўпчилиги бир-бирига нисбатан мустақилдир..., айрим компонентлар кўпроқ когнитив соҳага тегишлидир, бошқалари — эмоционал соҳага тегишли. Бу компонентлар ўз-ўзини самарали бошқаришда бир-бирини тўлдириши мумкин”, — дейди олим⁴.

Илмий педагогик, психологик манбаларда берилишича, компетенция, компетентлилик ўта мураккаб, кўп қисмли, кўпгина фанлар учун муштарак бўлган тушунчалардир. Шу боисдан унинг талқинлари ҳам ҳажм, ҳам таркибига кўра, маъно ва мантиқ мундарижаси жиҳатидан турли-тумандир.

“Competence” сўзи “to compete” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “мусобақалашмоқ”, “рақобатлашмоқ”, “беллашмоқ” деган маънони

³ Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбарова С.Н., Темиров Д.Ш. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. — Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, 2015. 160 б.

⁴ Шунда.

билдиради. Сўзма-сўз таржима қилинса, “мусобақалашишга лаёқатлилиқ” маъносида келади⁵.

Компетентлик – ўқувчида таркиб топган шахсий сифатлар ва берилган соҳадаги фаолияти бўйича тўплаган минимал тажрибаси⁶.

Компетентлик – шахс хусусиятлари ва ҳолатининг мураккаб мажмуи бўлиб, маълум соҳадаги билим, кўникма ва тажрибани мужассамлаштириш, инсонга муайян масалаларда фикр билдириш, маълум қарорларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ёки ўзи қарор қабул қилиш имконини беради.

Компетентлик – маълум ҳолат хусусида тўғри мулоҳаза юритиш имкониятини берадиган билимга эга бўлиш, далил-исботли фикр, кишининг муайян соҳада савиясини ифода этадиган атама⁷.

Компетентлик – ўқувчининг шахсий сифатлари тўплами (билимлар, кўникмалар, малакалар, лаёқатлар) бўлиб, белгиланган ижтимоий ва шахсий соҳадаги фаолиятида орттирган тажрибаси билан белгиланади⁸.

Компетентлик – талаба томонидан алоҳида билим ва малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутати. Компетентлик – бу талабанинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятини амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва

⁵Турдиев Н.Ш.. Компетентлик ва медиатаълим. Глобаллашув шароитида ёшларнинг медиасаводхонлигини ошириш. Республика илмий-амалий семинари материаллари. Наманган, 2015, 88-92 б.

⁶Исянов Р.Г. Кластерный подход в формировании модульной компетентности преподавателей высших образовательных учреждений. – Т.: ТГПУ, 2014. – С. 69.

⁷Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбарова С.Н., Темиров Д.Ш. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. – Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, 2015. 160 б.

⁸Турдиев Н.Ш.. Компетентлик ва медиатаълим. Глобаллашув шароитида ёшларнинг медиасаводхонлигини ошириш. Республика илмий-амалий семинари материаллари. Наманган, 2015, 88-92 б.

малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллай олиши билан ифодаланади⁹.

А.К.Маркованинг ишларида меҳнат психологияси контекстида касбий компетентлик махсус предмет сифатида ҳар томонлама қаралади¹⁰. Бу даврда шунингдек, ўқитувчи компетентлигига тегишли бўлган ишлар Л.М.Митина, Л.А.Петровской, Н.В. Кузьмина, Л.П.Алексеева, Н.С.Шаблигина ва бошқалар томонидан бажарилган. Мазкур ёндашув ривожланишининг яна бир жиҳати шундаки, ЮНЕСКО материаллари ва ҳужжатларида таълимдан кутиладиган натижа сифатида бир қанча компетенциялар ажратиб олина бошланди¹¹.

М.М.Вахобов “Компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартларини амалиётга жорий этиш – ўқувчиларнинг медиакомпетентлигини шакллантиришнинг муҳим омили” номли мақоласида “Ҳозирги ахборот алмашинуви жадаллашган асрда ўқувчи-ёшларда медиасаводхонлик, медиамаданият ва медиакомпетентликни ривожлантириш орқали турли ахборот хуружлари, бузғунчи ёт ғоялардан асраш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш таълим тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади”, – дея таъкидлаб ўтади¹².

Медиакомпетентлик тушунчаси (media competence) таълимга кириб келаётган янги атама ҳисобланиб, у медиа маълумотларни турли кўринишда узатиш ва баҳолаш, ўрганиш, етказа билиш каби маъноларни ўз ичига олади.

⁹Асадов Ю. М., Турдиев Н. Ш., Акбарова С. Н., Темиров Д. Ш., Бабаджонов С. Ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланганлигини ташхислаш ва коррекциялаш методикалари. – Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, 2016. 160 б.

¹⁰ Маркова А.К. Психологический анализ профессиональной компетентности учителя // журнал “Советская педагогика”. 1990. № 8.

¹¹ Шунда.

¹²Вахобов М.М. Глобаллашув шароитида ёшларни медиасаводхонлигини ошириш.Республика илмий-амалий семинари материаллари. (Биринчи китоб) Наманган, 2015. 77 б.

Хориж педагогикасида *медиакомпетентлик* атамаси (нем. *medienkompetenz*, ингл. *media competence* ва ҳ.к.) аллақачон фаол қўлланилиб келинмоқда (Қ-нг: масалан, Baake, 1999; Blumeke, 2000; Pottinger, 1997).

Германияда медиакомпетентлик деб, медиага нисбатан малакали, мустақил, ижодий ва ижтимоий-масъулиятли муносабат тушунилади¹³.

“Медиакомпетентлик” — шахс медиамаданиятининг узвий қисми сифатида гавдаланиб, қадриятли, технологик ва шахсий-ижодий таркибий қисмларни ўз ичига оладиган ҳамда ўзаро таъсир (ҳамкорлик) субъектларининг ривожланишига олиб келадиган ахборот ҳамжамияти билан ўзаро таъсир (ҳамкорлик)нинг диалог усули сифатида тушунилади.

“Медиакомпетентлик” умумий кўринишда шахснинг турли кўриниш, жанр ва шакллардаги медиаматнни танлаш, фойдаланиш, танқидий таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш ва узатиш, социумда медианинг фаолияти мураккаб жараёнларини таҳлил қилишга тайёрликда намоён бўладиган интегратив сифати тарзида тушунилади.

Медиакомпетентлик-медиясаводхонлик (*media competence/media literacy*) – турли шакллардаги хабарларни (messages) қўллаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва узатиш қобилияти.

Ўқитувчи (педагог) медиакомпетентлиги (educator's *mediacompetence*) – матбуот ваколатлари, унинг сабаблари, билим, кўникма ва малакаларига (кўрсаткичлари: мотивацион, ахборот, амалий-тезкор, услубий фаолияти, ижодий) эга бўлиб, барча ёшдаги таълим олувчиларга медиатаълим билимларини тарғиб қилиш¹⁴.

Медиакомпетентлик юқори даражасига эга бўлган шахс учун қуйидаги хусусиятлар характерлидир:

¹³ Фатеева, И.А. Медиаобразование: теоретические основы и практика реализации: монография [Текст] / И.А. Фатеева. // – Челябинск: Челяб. гос. ун-т, 2007. – С.270.

¹⁴ Федоров А.В. Развитие медиакомпетентности и критического мышления студентов педагогического вуза. МОО ВПП ЮНЕСКО Информация для всех. 2007. – С. 616.

янги маълумотларни олиш учун ҳаракат қилиш (интилиш);
ҳаётининг турли соҳаларида ўз шахсий компетентлигини ва ҳар турдаги медиамаданият дунёсига интилиш;
ўқиш учун зарурий илмий материаллар излап топиш;
медиа маҳсулотлар билан “доимий” мулоқотда бўлиш;
медиа оламида мустақил равишда медиаматнларни шакллантириш ва тарқатиш (мустақил ёки гуруҳ билан биргаликда тайёрлаш) малакасига эга бўлиш;
медиага боғлиқ бўлган (ўйинбоп, бадиий, тадқиқот ва. ҳ.к) ёрқин фаолият юрита олиши¹⁵.

«Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармонидаги «олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш» каби талаб даражаси олий таълим муассаси раҳбари олдида катта вазифалар қўйилган. Масалан, республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш; олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш; халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган

¹⁵ Никитина Е.Ю., Милютин А.А. Формирование медиакомпетенции младших школьников на уроках русского языка. Монография. – М., 2015.

таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш; олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш» каби; олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш каби долзарб масалар қуйилди¹⁶.

Ўзбекистон Республикасида 2017-2021 йилларда мамлакат ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, давлат хизматининг сифати ва самарасини, давлат хизматчиларининг эса касбий тайёргарлик даражасини ошириш орқали давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш каби аҳамиятли мақсадлар олдинга сурилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5139-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида кадрлар билан таъминланганлик даражасини кучайтириш мақсадида бир қанча вазифалар қуйилди.¹⁷

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар ҳақида бир қанча мисолларни келтириб ўтиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистонда истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида <http://uza.uz/oz/>

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги сайти. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-uzuridagi-davlat-bosh-aruv-27-06-2019>

«Тараққиёт» республика танлови эълон қилинганлиги ҳам бу борадаги янгиликлардан саналади.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 30 майдаги «Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори асосида бошқарув кадрларининг тизимли асосда танлаб олинишини таъминлаш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари тизимида уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб боришга кўмаклашиш мақсадида ҳар уч йилда истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича «Тараққиёт» республика танлови ўказидаралади, дейилади эълонда¹⁸.

Бул танловнинг 6-банди «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги энг яхши бошқарувчи», 13-бандидаги «Таълим, фан ва инновация соҳасидаги энг яхши бошқарувчи» номинациялари Олий таълим муассасаларини бошқарувчи раҳбар кадрни ривожлантириш ишида фойдали таъсир қилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, кадрларнинг амалий захирасини шакллантириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг муҳим масалаларини ўз ичига оладиган мақсадли дастурни ишлаб чиқиш вақти келди, деб ўйлайман. Асосий вазифа – бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат.¹⁹

Юртбошимиз, энг аввало, ҳудудий бошқарув органлари, энг аввало, мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимликлари учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини билдиради.

¹⁸ Ўзбекистонда истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича «Тараққиёт» республика танлови эълон қилинди. <https://daryo.uz...>

¹⁹ «Халқни рози қилмаган раҳбарлар билан ҳайрлашамиз»
<http://darakchi.uz/uz/19937>

Бунинг учун олий таълим муассасалари тизими билан бирга, мамлакатимиздаги 6 та академия, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази каби ташкилотларнинг илмий-амалий салоҳияти ва имкониятларини янада фаол сафарбар этиш дарколигини ҳам гапириб ўтади.²⁰

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз сиёсатидаги барча раҳбарлар кадрларга қуйилаётган талаблар олий таълим муассасалари раҳбари учун ҳам фойдали дастуриламал хизматини ўтайди.

Медиакомпетентликни шакллантириш (ривожлантириш) “ижтимоий маданий компетентлик”нинг муҳим қисми ҳисобланади. Медиакомпетентлик— олий таълим муассасаси раҳбарининг жамоатни бошқариш, олий даргоҳ профессор-ўқитувчиларининг, техник ходимларнинг медиакомпетентлиги таъминлаш, давлатга, борингки, жаҳога юксак савияли, юқори малакали муахассислани таёрлашни бошқариш каби фаолиятининг турли босқичларида асосий омил хизматини ўтайди..

Шавкат Мирзиёев 2023 йилни «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Таклиф йиғилганлар томонидан қўллаб-қувватланди. «Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир! Ушбу соҳада бошлаган ислохотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, сифатни ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал қилишимиз керак. Биз келгуси йил Давлат дастурига халқимиз кўтарган барча масалаларни аниқ ечимлари билан киритамиз. Ушбу жараёнларда депутат ва сенаторлар, маҳалла вакиллари, зиёлилар, ёшлар, тадбиркорлар ва кенг жамоатчилигимиздан фаол бўлишларини, янги-янги таклиф ва ташаббуслар билдиришларини сўрайман», — деди Шавкат Мирзиёев.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрда мамлакат парламентида мурожаатномаси.
2. Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбарова С.Н., Темиров Д.Ш. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. – Т.: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, 2015. 160 б.
3. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида <http://uza.uz/oz/>
4. Никитина Е.Ю., Милютина А.А. Формирование медиакомпетенции младших школьников на уроках русского языка. Монография. – М., 2015.